

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСРОИЛОВА ЛОЛА СУННАТОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(8-синф информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Исройлова Лола Суннатовна**

«Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг компетенцияларини  
шакллантириш методикасини такомиллаштириш» (8-синф информатика  
ва ахборот технологиялари фани мисолида).....3

**Исройлова Лола Суннатовна**

«Усовершенствование методики формирования компетенции учителей  
средней общеобразовательной школы» (на примере предмета информатика  
и информационные технологии 8-класса).....21

**Isroilova Lola Sunnatovna**

Advancing the methods of developing the competency of secondary school  
students (as an example of 8th grade students at IT classes).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....44

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСРОИЛОВА ЛОЛА СУННАТОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(8-синф информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчик – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мактуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хукуридаги Олий аттесташин комиссиясида В2021.1.Ped959 ракам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтидан бекарилган.

Диссертация автореферати уч тизди (ўзбек, рус, инглиз (речоме)) Илмий кенгашининг веб-сайтисида ([www.scrf.uz](http://www.scrf.uz)) хамда "ZiyoNet" Ахборот таълим портала ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий разбери:	Мирсанов Уралбай Мухаммадиевич педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий опонентлар:	Ахмеджонов Дилемурод Гуломович техника фанлари доктори, доцент
	Хайтулланева Нафиса Сахобиддиновна педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Коракалпогистон филиали

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчик педагогика институти хукуридаги илмий даржалар берувчи DSc.03/20.04.2021.Ped.82.03 раками Илмий кенгашининг 2022 йил "95-08" соат 12-ши мажлисида бўлиб ўтди (Манзул: 111720, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-йй (Тел.(+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: [tvcchdp@edu.uz](mailto:tvcchdp@edu.uz)).

Диссертация билан Чирчик давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида таниншиш мумкин. (113 ракам билан рўйхатта олинган). (Манзул: 111720, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-йй (Тел.(+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: [tvcchdp@edu.uz](mailto:tvcchdp@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил "16-08" кунин тарқатилди  
(2022 йил "16-08" да 32 - раками реєстр байномаси).



Ж.Э.Усиров  
Илмий даржалар берувчи илмий  
кошидаги семинар ранси, п.ф.д., доцент

Н.М.Махмудова  
Илмий даржалар берувчи илмий  
кошидаги илмий котиби,  
п.ф.д., доцент

Р.А.Эшчанов  
Илмий даржалар берувчи илмий  
кошидаги илмий семинар ранси,  
б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон таълим жараёнида ўқувчиларнинг ахборот технологияларига оид компетенцияларини шакллантиришда масофавий, аралаш ва интернет таълим каби ўқитиш тизимларидан, инновацион дидактик ўқув воситаларидан, халқаро компьютер ва ахборот саводхонлиги тадқиқот (International Computer and Information Literacy Study – ICILS)ларидан фойдаланиш масалаларига доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ўқув воситалар ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид мотивациясини, ижодий қобилиятини, креатив, когнитив фикрлашини ошириш, таянч ва фанга оид умумий компетенцияларини ривожлантириш, таълим жараёнини тизимлаштиришда назарий-методологик ҳамда услубий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дунё миқёсида мактаб ўқувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларига оид компетенцияларини шакллантиришда муаммоли таълим технологиясини ҳамда гибрид таълимни, масофавий ва вебга асосланган ўқитиш тизимларини, очиқ ахборот-таълим мұхитларини, мобил иловаларини үйғунлаштириш асосида жорий этишга қаратилған тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари мактаб ўқувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларига оид назарий, амалий билимларини мустаҳкамлаш, компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш, фанлараро боғлиқлик мөдиятини очиб бериш, фанни ўқитишнинг замонавий тенденцияларига кўра назарий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда рақамли технологиялари ёрдамида билимларни тақдим этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерфаол методларни интеграциялаш орқали ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини шакллантириш усул ва воситаларини жорий этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида ургу беришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартлари жорий этиш; информатика фанини чукур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодларини тайёрлаш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришда ахборот-таълим мұхитларидан ва онлайн очиқ курслардан фойдаланишни, машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси, босқичлари веб-квест технологияси ва вебга мослаштирилган симулятор, визуал каби дидактик ўқув воситалари асосида такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларнинг билимини тезкор

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

диагностика қилишда халқаро компьютер ва ахборот саводхонлигини баҳолаш тизимидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиши тадқиқот мавзусининг долзарбилигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва қасб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг компетенцияларини такомиллаштиришга қаратилган таълим технологияларини жорий этиш назарияси ва амалиётига оид изланишлар ҳамда ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарияси, ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасига доир тадқиқот ишлари юртимизда С.Н.Акбарова, Ю.М.Асадов, Д.Ш.Темиров, Н.Ш.Турдиев, Н.Р.Сайдова, А.А.Қаршиевлар томонидан амалга оширилган; таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси ва амалиёти, масофадан ўқитиш технологияларини кўллаш муаммоларига оид изланишлар А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, М.Ҳ.Лутфиллаев, Н.И.Тайлаков, Д.Г.Ахмеджоновлар; информатика фанини ўқитишнинг назарияси ва амалиётига оид тадқиқотлар Ф.И.Закирова, А.О.Норбеков, М.Р.Файзиева, С.Қ.Турсунов, Н.С.Хайтуллаева, И.А.Юлдошевлар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўқувчиларнинг асосий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шартлари ва шакллантириш методикасига оид изланишлар М.В.Ильина, Л.А.Лукъянова, М.Ф.Овчинникова, И.В.Песков, Г.К.Селевко, М.В.Смородинова, О.В.Темняткиналар; умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш методикаси, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш механизмига оид тадқиқотлар И.Н.Бабич, Г.С.Батршина, Л.Л.Босова, С.А.Зайцевалар; ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарияси, мультимедиа технологиялари асосида ўқучиларнинг ахборот компетенциясини шакллантириш методикасига доир изланишлар О.В.Баранова, Т.Ж.Базаржапова, В.П.Короповская, Л.А.Леонтьева, Л.С.Лисицына Л.М.Репета, И.В.Ставцева, М.В.Утенинлар томонидан амалга оширилган.

Хорижда ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш назарияси ва амалиётига оид тадқиқотлар S.A.Andrew, M. Alors, I.V.Stavtsevalар; мактаб амалиётига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш методикаси ва механизмига оид изланишлар L.F.Adriana, J.V.Campenhout, A.D.Wagnerлар; ўқувчиларнинг ахборот технологияларига оид компетенцияларини шакллантиришга доир тадқиқотлар S.Buse, A.Chen, L.Dong, A.Maritz, A.De Waal каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологияларини жорий этиш механизми, умумий ўрта таълим мактабларида фанларини ўқитишда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарияси ва амалиёти ҳамда ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикасига бағишлиган илмий тадқиқот ишлари бўлиб, уларда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг буғунги қундаги 8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантириш методикаси илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг инф/x 21-11 “Ўқув жараёнини бошқарувчи тизим яратиш” (2021-2022 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаби 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантириш босқичларини ишлаб чиқиш;

8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмасини веб-квест технологияси ва вебга мослаштирилган ўкув ресурслар асосида такомиллаштириш;

8-синф ўқувчиларининг глобал тармоқда веб-иловалар, сайлар, онлайн очик курсларни яратиш, Google Classroom платформасидан фойдаланишга оид компетенцияларини шакллантириш;

умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан билимини тезкор диагностика қилиш ва ўзини ўзи баҳолашга оид онлайн тест (ICILS) тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид илмий-методик манбаларни қиёсий таҳлил этиш, умумий ўрта таълим мактаблари ДТС, ўкуврежа ва намунавий дастурини ўрганиш, анкета-сўров, сұхбат, кузатиш ҳамда тажриба-синов ишларидан олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

ўқувчиларда қадриятли-мазмунли, умуммаданий, когнитив, информацион, коммуникатив, ижтимоий, шахсий каби таянч компетенцияларни шакллантиришнинг методик жиҳатларига компетенциявий ва тизимили-фаолиятли ёндашувларни интенсив қўллаш, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг дидактик имкониятларини вертикал ва горизонтал йўналишда кенгайтириб бориши мантиқига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларда метапредметли компетенцияларни шакллантиришнинг методик тузилмасига мазмунли, жараёнли, ташкилий, интегратив компонентлари амалий йўналтирилган лойиҳавий таълим шароитида веб-квест ва вебга мослаштирилган электрон таълим ресурслари билан қайта алоқаси натижавийлигини бевосита таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларда мустақил ишлашга доир компетенцияларни шакллантириш методикаси танқидий, анализ, мантиқий, эвристик, креатив таълим технологияларини информатик таълимга адаптив йўналтиришнинг ташкилий-тузилмали моделини ишлаб чиқиши асосида ривожлантирилган;

ўқувчиларда ахборотлар билан ишлаш ва рақамли компетенцияларнинг шаклланганлигини баҳолаш методикаси билиш, тушуниш, анализ, синтез, қўллаш, баҳолаш таксономик кетма-кетлигига қатъий риоя қилиш асосида тезкор диагностик ва ўз-ўзини назорат қилишга доир ICILS онлайн тестларининг модификациялашган вариантлари дидактик лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ахборот-таълим муҳити яратилган;

8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш модели ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг мустақил ўкув фаолиятини ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

“Компьютернинг техник ва дастурий таъминоти” номли ўкув қўлланма ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар, унга оид фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами, Олий аттестацияси комиссияси эътироф этган журналларда чоп этилган мақолалар, интеллектуал мулк агентлигидан олинган гувоҳномалар, тадқиқот доирасида ўтказилган савол-жавоб, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асослангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тузилмалар, ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш модели ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг информатика ва ахборот технологиялари таълимига ахборот-таълим мухитининг жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологиялари ва дидактик ўқув воситаларни амалиётда татбиқ этилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш (8-синф информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)га оид ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ўқувчиларда қадриятли-мазмунли, умуммаданий, когнитив, информацион, коммуникатив, ижтимоий, шахсий каби таянч компетенцияларни шакллантиришнинг методик жиҳатларини компетенциявий ва тизимли-фаолиятли ёндашувларни интенсив қўллаш, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг дидактик имкониятларини вертикал ва горизонтал йўналишда кенгайтириб бориш мантиқига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-0-16955 “Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари” (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳасининг мактаб ўқувчиларни ахборот билан ишлашга оид компетенциясини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 22 февралдаги 01/15-09/44-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда нетикетга доир ракамли компетенцияларни шакллантиришга эришилган;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларда метапредметли компетенцияларни шакллантиришнинг методик тузилмасининг мазмунли, жараёнли, ташкилий, интегратив компонентларини амалий йўналтирилган лойиҳавий таълим шароитида веб-квест ва вебга мослаштирилган электрон таълим ресурслари билан қайта алоқаси натижавийлигини бевосита таъминлаш орқали аниқлаштириш, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиши жараёнида ўқувчиларда мустақил ишлашга доир компетенцияларни шакллантириш методикасини танқидий, анализик, мантиқий, эвристик, креатив таълим технологияларини

информатик таълимга адаптив йўналтиришнинг ташкилий-тузилмали моделини ишлаб чиқиши асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И-ОТ-2017-4-2 “Методик тизимда компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурсларни яратиш ва имконияти чекланган ёшлар таълимида жорий этиши” (2017-2018 йй.) инновацион лойиҳасини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 5 июлдаги 1960/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, информатика таълимида метапредметли ўкув натижаларига эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўкувчиларда ахборотлар билан ишлаш ва рақамли компетенцияларнинг шаклланганигини баҳолаш методикасини билиш, тушуниш, анализ, синтез, қўллаш, баҳолаш таксономик кетма-кетлигига қатъий риоя қилиш асосида тезкор диагностик ва ўз-ўзини назорат қилишга доир ICILS онлайн тестларининг модификациялашган вариантларини дидактик лойиҳалаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 60110600 – Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналиши учун “Компьютернинг техник ва дастурий таъминоти” номли ўкув қўлланмани ишлаб чиқишида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи). Натижада, ўкувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини мустақил ўзлаштириш ва ўзини ўзи баҳолаш компетенцияларини шакллантиришга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, 127 сахифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети, усувлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига доир компетенцияларини шакллантиришнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида Ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик муаммолари, дидактик хусусиятлари ва компетенцияларини шакллантиришда ахборот-таълим мухитларининг имкониятларига доир таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодиётининг ахборот инфратузилмасини ривожлантиришда содир бўлаётган инновацион жараёнлар таълим сифатига, жумладан, умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларининг таълим ва профессионал даражасига бир қатор янги талабларни қўймоқда. Бу талаблардан бири – бу умумий ўрта таълим мактабларида фанларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитишдан иборат. Ушбу ёндашувли ўқитишнинг жорий этилиши замонавий педагогикада таълим сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Компетенцияга асосланган ёндашув таълим олувчининг касбий ва шахсий фаолиятидаги муваффақиятларини ошириш ҳамда маълум бир вазиятда ўзининг имкониятларини етарлича баҳолашдан иборат.

Компетенциявий ёндашув асосида мактаб ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришга бағишлиланган илмий-услубий ишлар мавжудлигига қарамай, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Бу борада, яъни умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришга оид А.А.Қаршиев, В.П.Короповская, Л.А.Леонтьеваларнинг илмий-методик адабиётлар ва ўқитишнинг мавжуд ҳолатига кўра, айни пайтда қуидаги туркум муаммолар борлиги маълум бўлди: “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда вебга мослаштирилган замонавий электрон таълим ресурсларининг етарли даражада эмаслиги; “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш тизмига оид илмий-услубий манбаларга эҳтиёж мавжудлиги; “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга қаратилган амалий топшириқлар банки етишмаслиги; ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришда ахборот-таълим мухитларидан, онлайн очик курслардан ва назорат қилиш тизимларидан фойдаланиш механизми тўлиғича илмий асосланмагани; ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани машғулотларини ташкил этишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича ишланмалар етарли даражада эмаслиги; “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда аралаш таълимдан фойдаланишга мўлжалланган услубий ишларнинг етарли эмаслиги; ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан билимини

баҳолашда халқаро баҳолаш тизимларидан (ICILS) фойдаланиш методикаси тұлиғиға жорий этилмаганлиги.

Юқорида келтирилган туркум муаммоларни бартараф этиш йўлларидан бири ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришга мўлжалланган очик ахборот-таълим мұхитини яратишдан иборат. Шу боис, тадқиқот доирасида очик ахборот-таълим мұхити яратилди (глобал тармоқнинг [it-education.uz](http://it-education.uz) манзилида).

Яратилган очик ахборот-таълим мұхити умумий ўрта таълим мактаблари 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиши самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда кенг маънода таълим соҳаси методологияси, ўқитиши мақсадларининг педагогик-психологик тадбиғига йўналтирилган вебга мослаштирилган электрон таълим ресурслар мужассамлашган. Шунингдек, 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари”га оид зарурий компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, қуидаги имкониятларга эга: тузилиши ва функционал мослашувчанлик; яхлитлик; очиқлик; кўп функцияли; ўзгарувчанлик; визуаллаштириш; интерактивлик.

Тавсия этилаётган ахборот-таълим мұхити 8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига аралаш таълимни жорий этиш асосида ўқув жараёнини ажойиб, динамиқ, ноанъанавий, қизиқарли ташкил этиш ва ўқувчини фаол ҳамкорлик жараёнига жалб этиш имконини яратади.

Диссертациянинг иккинчи “Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш методикаси” бобида ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш модели ва дарсларни ташкил этишда веб-квест технологиясидан фойдаланиш методикаси ҳамда мустақил таълим фаолиятини ташкил этишнинг босқичлари ва тузилмалари такомиллаштирилди. Шунингдек, 8-синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантиришда ICILS тестлардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашуви ҳамда ўқувчиларнинг компьютер технологияларига бўлган қизиқишининг ошиши умумий ўрта таълим мактабларининг таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини англаради. Бундай вазиятда ўқитувчи ахборот-коммуникация технологияларининг янгиликларидан хабардор бўлиши, ишлаб чиқарилаётган ва такомиллаштирилаётган замонавий, амалий, инструментал дастурий маҳсулотлар билан ишлаш усууларини доимий равища ўзлаштириб бориши зарур бўлади.

Шунинг учун умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс ва дарсдан ташқари ўқув фоалиятида мотивациясини, қизиқишини, ижодий қобилиятини оширишга ва креатив фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган


ёндашувни ишлаб чиқиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг креативлигини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Шу боис тадқиқот доирасида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришнинг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу моделда ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш таклиф этилган бўлиб, бунинг натижасида қўйидагиларга эришилади: масофавий ва аралаш таълим олишга оид кўникма, малакалари шаклланади ва ривожланади; компьютернинг турли дастурлари билан ишлашга доир амалий кўникмалари такомиллашади; мотивациясини, ижодий қобилиятини оширади ҳамда амалий ва танқидий фикрлашини шакллантиради.


Мазкур модель таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи қисмлардан иборат бўлиб, бунда ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятида электрон таълим ресурслар ва веб-квест таълим технологиясидан фойдаланиш асосида 8-синф ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат. Шу мақсадда ўқувчиларнинг компетенциясини шакллантиришда веб-квест технологиясидан фойдаланиш тадқиқот мақсади этиб белгиланди. Чунки 8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг мазмуни ижтимоий тармоқлар билан ишлаш, глобал тармоқда веб-иловалар, веб-сайtlар, ахборот-таълим муҳитларини яратиш ва фойдаланишга оид маданиятини ошириш ҳамда креатив фикрлашини ривожлантиришдан иборат. Бу вазифаларни амалга оширишда веб-квест технологиясидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Шу боис, тадқиқот доирасида 8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидаги мавзуларни веб-квест технологияси асосида ўқитиши босқичлари ишлаб чиқилди.

Веб-квест технологияси асосида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарслар ташкил этилганда ўқувчига аниқ вазифа таклиф этилади, бунинг учун у маълум бир мавзу бўйича ахборот-таълим муҳитлари, платформалар ва веб-сайtlардан материал тўплаши ва глобал тармоқнинг қидирав тизимларидан самарали фойдаланиши керак бўлади. Веб-квест таълим технологияси тизимли-фаол ёндашувга асосланган бўлиб, мазкур технология ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани дарсларида ахборот билан мустақил ишлаши орқали янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Бунда мактаб ўқитувчиси ўқувчиларнинг ўқув, когнитив, муаммоли ва тадқиқот фаолиятининг маслаҳатчиси, ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчисига айланади.



1-расм. Ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш модели.

Ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришда дарсларда веб-квест технологиясидан фойдаланиш билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқот доирасида ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм).



**2-расм. Ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда мустақил ишдан фойдаланиш тузилмаси.**

Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан мустақил ишларини тизимли ва оқилона ташкил этиш ўқув жараёнини сезиларли даражада фаоллаштириш имкониятини яратади ҳамда ўқувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш орқали таянч ва умумий компетенцияларини шакллантиради.

Шу боис, ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришда 2-расмда таклиф этилаётган тузилмадан фойдаланиш тавсия этилади. Келтирилган тузилмада мактаб ўқувчиларининг глобал тармоқдан фойдаланиши назарда тутилган. Глобал тармоқ технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш, улардан мақсадли фойдаланиш билан ўқувчиларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш орқали ижодий қобилиятини ва компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу асосда ўқитиш воситалари ва усулларини ўзгартириш мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолияти мазмунини ўзгартиришга олиб келади. Бунда ўқувчилар турли ахборотларни олишга, таълим муҳитларидан фойдаланишга ва онлайн ўзини ўзи синаб кўриш каби имкониятларга эга бўлади.

Ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда компетенцияларини шакллантириш, ўзини ўзи баҳоловчи онлайн тизимлардан ва халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада, яъни таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги турли замонавий халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тез суръатларда ўзгарувчан иқтисодиётда аксарият таълим тизимлари сезиларли даражада оқсаётганлиги ҳамда ўқувчиларнинг танқидий, ижодий, креатив фикрлашини ва компетенцияларини шакллантириш муаммолари кузатилмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш билимларни баҳолаш усулларини ислоҳ қилиш лозимлигини англаатади. Бу эса умумий ўрта таълим мактабларининг баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, яъни ICILS тестлар ишлаб чиқишини тақозо этади. Шунинг учун тадқиқот доирасида 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ICILS тестлар ишлаб чиқилиб, **it-education.uz** ахборот-таълим муҳитига жойлаштирилди. Мазкур тестлар 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан назарий ва амалий билимларини текширишга қаратилган. Бу ўқувчиларнинг Facebook, Instagram тармоқларида сахифа очиш, видео ва расмлар жойлаштириш, YouTube сайтида канал очиш, видео юклаш ва жойлаштириш, Telegram тармоғида канал очиш, турли дидактик ўқув воситалар, анкета сўровлар тайёрлаш, wordpress платформасида юклаш, ундан фойдаланиш, СМСда турли товарларни эълон қилишга мўлжалланган Web-сайтларни яратиш, Google Classroom платформасида турли ўқув курслар яратиш, MOOC платформаларидан фойдаланиш, Web-Freelance сайтлари билан ишлаш каби амалий билимларини баҳолашга қаратилган.

Тадқиқотнинг “**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси**” номли учинчи бобида илмий изланиш доирасида илгари суриласётган методиканинг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишларига 2019-2022 йилларда Навоий, Қашқадарё, Бухоро вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари ҳамда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчилари жалб этилди. Бунда 554 нафар ўқувчи ва 32 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Педагогик тажриба-синов ишлари тўрт босқичда (ташхис ва башорат килиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи) олиб борилди.

8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантиришга қаратилган тажриба-синов ишининг ташхис ва башорат қилиш босқичи 2019 йилда олиб борилди. Мазкур босқичда тадқиқотнинг мақсади, обьекти, предмети ва вазифалари белгиланди ҳамда мавзуга оид илмий-услубий адабиётлар, ахборот-таълим мухитлари таҳлил этилди. Шунингдек, тажриба-синов дастури ишлаб чиқилди ҳамда тажриба-синов ўтказиладиган умумий ўрта таълим мактаблари обьект сифатида белгиланди. Тажриба-синов ишларини ўтказишда умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари жалб этилиб, улар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. 8-синф ўқувчиларини тажриба ва назорат гуруҳига ажратишда уларнинг билимлари оғзаки, ёзма, тест ва амалий топшириқлари инобатга олинди.

Ташкилий-тайёргарлик босқичи 2020 йилда олиб борилди. Ушбу босқичда умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синовга жалб этиладиган ўқувчилар аниқлаштирилди ва уларнинг ўқув натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди (1-жадвал).


1-жадвал

#### **Ўқувчиларнинг компетенцияларини шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонининг баҳолаш даражалари ва мазмуни**

Даражалари	Мазмуни
<b>Юқори</b>	Facebook, Telegram ва Instagram тармоқларидан ҳамда YouTube сайтидан юқори даражада фойдалана олади, глобал тармоқда турли дидактик ўқув воситалар, СМСда мукаммал турли веб-иловалар ва сайтларни яратади. MOOC платформаларининг турлари ҳақида билим ва кўникмага эга. Web-Freelance сайтлари билан ишлаш малакасига эга.
<b>Ўрта</b>	Facebook, Telegram ва Instagram тармоқларидан ҳамда YouTube сайтидан фойдалана олади, глобал тармоқда турли содда дидактик ўқув воситалар, СМСда содда веб-иловалар ва сайтларни яратади. MOOC платформаларининг турлари ҳақида билимга эга. Web-Freelance сайтлари билан ишлаш кўникмасига эга.
<b>Паст</b>	Facebook, Telegram ва Instagram тармоқларидан ҳамда

	YouTube сайтлари ҳақида билимга эга, аммо фойдаланишга қийналади, глобал тармокда турли дидактик ўқув воситалар, СМСда веб-иловалар ва сайтларга оид билимга эга, аммо уларни яратын олмайды. МООС платформаларининг турларига оид тушунчага эга. Web-Freelance сайтлари билан ишлага оид билимга эга, аммо фойдаланишда қийналади.
--	---

Амалий босқич 2021 йилда олиб борилди. Мазкур босқичда 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш мақсадида **it-education.uz** ахбороттағым мұхити яратилди ва унга электрон таълим ресурслари, методик ишланмалар ва ICILS тестлар шакллантирилди. Яратилған ахбороттағым мұхитини синовдан ўтказиш ва сифат даражасини аниқлаш мақсадида Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида 554 нафар ўқувчи жалб этилди. Тажриба-синовда иштирок этган ўқувчиларнинг тажриба боши ва охиридаги ўзлаштириш динамикаси қўйидаги расмда келтирилган (3-расмга қаранг).



**3-расм.** Ўқувчиларнинг ўзлаштириш динамикаси.

Педагогик тажриба-синов ишларининг умумлаштирувчи босқичи 2022 йилда 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш учун ишлаб чиқилған мезонлар асосида олиб борилди, тажриба ва назорат гурӯхидаги ўқувчилар баҳоланди. Стъюдент-Фишер критериясидан фойдаланиб, математик-статистик таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижаларига кўра, тажриба гурӯхининг кўрсаткичи назорат гурӯхига нисбатан 10,26 %га ошганлиги намоён бўлди.

## ХУЛОСАЛАР

“Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш (8-синф информатика ва ахборот технологиялари фани мисолида)” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан такомиллашуви умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид мотивациясини ва ижодий қобилиягини ошириш, креатив, когнитив фикрлашини ривожлантириш ҳамда компетенцияларини шакллантиришнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқишина тақозо этади.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришда тадқиқот доирасида таклиф этилаётган моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

3. Ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тадқиқот доирасида ахборот-таълим муҳити яратилди ([it-education.uz](http://it-education.uz)) ва унга тақдимотлар, видеодарслар, амалий топшириқлар, ўқувчилар билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи (кроссвордлар, стандарт ва ICILS тестлар) воситалар жойлаштирилди ҳамда улардан 8-синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятида самарали фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда веб-квест технологияси ва вебга мослаштирилган симулятор, визуал дидактик ўқув воситалардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бунда ўқувчилар фанга оид берилган муаммоли топшириқларни мустақил равишда ечиш орқали креатив фикрлаши ривожланади ва компетенцияси шаклланади.

5. 8-синф ўқувчиларининг глобал тармоқда веб-иловалар, сайtlар, онлайн очиқ курсларни яратиш ва Google Classroom платформасида фойдаланишга оид танқидий, таҳлилий, мантикий, креатив фикрлашни ривожлантириш ва компетенцияларини шакллантиришда интернет (online learning) таълимидан фойдаланиш лозим. Бунда ўқувчилар келгуси фаолиятида глобал тармоқдан фойдаланишга оид тасаввuri ривожланади ва малакага эга бўлади.

6. Умумий ўрта таълим мактаблари 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан билимини баҳолашда ICILS тестлардан фойдаланишни тўлалигича жорий этиш лозим. ICILS тестлар ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолашга ҳамда компетенцияларини шакллантиришга қаратилганлиги билан самарали ҳисобланади.

7. 8-синф ўқувчиларининг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш

муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқувчилар турли амалий дастурларни видеодарслар орқали яратишни ўрганади. Натижада, ўқувчиларнинг глобал тармоқда турли амалий дастурлар яратишга оид танқидий фикрлаши ошади ва компетентлиги шаклланади.

8. 8-синф ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришда веб-квест технологиясидан фойдаланиш ўз самарасини берганлиги Стъюдент-Фишер критерияси асосида исботланди. Бундан айтиш мумкинки, веб-квест технологиясини умумий ўрта таълим мактабларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига кенг кўлламда қўллаш лозим.

Юқоридаги хуносалар асосида қўйидаги тавсияларни тақдим этамиз:

1. Ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга оид ишлаб чиқилган модель ва намунавий дарс ишланмаларини (веб-квест технологиялари ёрдамида) умумий ўрта таълим мактабларининг барча фанларини ўқитишида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанига оид компетенцияларини шакллантиришда мобил қурилмалар ва иловалардан фойдаланиш лозим.

3. Тадқиқот доирасида яратилган **it-education.uz** ахборот-таълим муҳитидан имконияти чекланган 8-синф ўқувчиларини ўқитишида фойдаланишини тавсия этамиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ИСРОИЛОВА ЛОЛА СУННАТОВНА**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ  
КОМПЕТЕНЦИИ УЧИТЕЛЕЙ СРЕДНЕЙ  
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ШКОЛЫ»**

**(на примере предмета информатика и информационные  
технологии 8- класса)**

**13.00.02 – Теория и методика обучения (информатика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик – 2022**

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.1.PhD/Ped959.

Диссертация выполнена в Нанайском государственном педагогическом институте  
Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (речоме)) на сайте научного совета ([www.sprf.uz](http://www.sprf.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Гуонет» ([www.guonet.uz](http://www.guonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Мирсанов Уралбай Мухаммадиевич**  
доктор философии по педагогическим наукам  
(PhD), доцент

**Официальные оппоненты:**

**Ахмеджонов Дильмурад Гуломович**  
доктор технических наук, доцент

**Хайтуллаева Нафиса Саъидиддиновна**  
доктор философии по педагогическим наукам  
(PhD)

**Ведущая организация:**

**Каракалпакстанский филиал Научно-исследовательского института педагогических наук Узбекистана**

Защита диссертации состоится в 29.08 2022 года на заседании Научного совета DSc 03/30 04.2021.Ped.82.01 по присуждению ученых степеней в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: tvchdri@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического университета (зарегистрирован под номером 15). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41 e-mail: tvchdri@edu.uz

Автореферат диссертации разослан в 16 и 08 2022 года.

(Протокол реестра № 32 от 16 08 2022 г.).



Ж.Э.Усаров  
председатель совета по присуждению  
ученых степеней, доктор педагогических  
наук (DSc), доцент

Д.М.Махмудова  
секретарь совета по присуждению  
ученых степеней, доктор педагогических  
наук (DSc), доцент

Р.А.Эшчанов  
председатель семинара по  
присуждению ученых степеней,  
д.б.н. (DSc), профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В процессе образования в мире проводятся научные исследования по вопросам использования таких образовательных систем как Blended learning, hybrid learning, online learning и face-to-face learning, использования инновационных дидактических средств обучения, международных исследований компьютерной и информационной грамотности (ICILS) в формировании компетенций учащихся в области информационных технологий. Эти учебные средства способствуют повышению мотивации, творческих способностей, креативного, когнитивного мышления учащихся в отношении информационно-коммуникационных технологий, развитию базовых и предметных компетенций, совершенствованию теоретико-методологических и методических основ в систематизации образовательного процесса.

В мировом масштабе для формирования компетенций школьников в области информационно-коммуникационных технологий проводятся исследования, направленные на внедрение проблемных образовательных технологий и гибридного обучения, систем дистанционного и веб-обучения, открытых информационно-образовательных сред, мобильных приложений. Результаты исследования служат укреплению теоретических, практических знаний, формированию и развитию компетенций школьников в области информационно-коммуникационных технологий, раскрытию сущности междисциплинарных связей, укреплению теоретических основ преподавания предмета в соответствии с современными тенденциями, а также предоставлению знаний с использованием цифровых технологий.

В эффективной организации учебно-воспитательного процесса в общеобразовательных школах страны возникает необходимость внедрения методов и средств формирования предметных компетенций учащихся путем интеграции информационно-коммуникационных технологий и интерактивных методов. В концепции развития системы народного образования до 2030 года определены такие приоритетные задачи, как "внедрение общеобразовательных программ и новых государственных образовательных стандартов, отвечающих требованиям современной инновационной экономики, с учетом акцента на развитие компетенций и навыков самостоятельного поиска и анализа информации; подготовка новых поколений дидактических материалов и мультимедийных продуктов, предназначенных для углубленного изучения информатики"<sup>2</sup>.

В связи с этим, необходимо использовать информационно-образовательные среды и открытые онлайн-курсы для формирования компетенций учащихся по предмету "Информатика и информационные технологии", усовершенствовать учебно-организационную структуру, этапы

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

обучения на основе технологии веб-квеста и таких дидактических средств обучения как веб-адаптированный симулятор, визуализация, а также использовать международную систему оценки компьютерной и информационной грамотности для оперативной диагностики знаний учащихся, разработать методики использования, что в конечном счете определяет актуальность темы исследования.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года, № УП-5313 "О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования" от 25 января 2018 года, Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-5712 "Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года" от 29 апреля 2019 года, № ПП-4699 от 28 апреля 2020 года "О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства" и в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. « Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства»

**Степень изученности проблемы.** В нашей стране исследования по теории и практике внедрения образовательных технологий, направленных на совершенствование компетенций учащихся в общеобразовательных школах и исследовательская работа по теории использования информационно-коммуникационных технологий в формировании компетенций учащихся, методике развития компетенций учащихся по работе с информацией осуществлены такими учеными как С.Н.Акбарова, Ю.М.Асадов, Д.Ш.Темиров, Н.Ш.Турдиев, Н.Р.Сайдова, А.А.Каршиев; исследования по теории и практике внедрения информационно-коммуникационных технологий в образование, проблемам применения дистанционных технологий обучения проводили А.А.Абдулкодиров, У.Ш.Бегимкулов, М.Х.Лутфиллаев, Н.И.Тайлаков, Д.Г.Ахмеджанов; исследования по теории и практике преподавания информатики вели Ф.И.Закирова, А.О.Норбеков, М.Р.Файзиева, С.К.Турсунов, Н.С.Хайтуллаева и И.А.Юлдошев.

В странах Содружества Независимых Государств исследования по педагогическим условиям и методике формирования основных компетенций учащихся проводили М.В.Ильина, Л.А.Лукьянова, М.Ф.Овчинникова, И.В.Песков, Г.К.Селевко, М.В.Смородинова, О.В.Темняткин; исследования по методике внедрения информационно-коммуникационных технологий в общеобразовательные школы, механизма использования информационных

технологий в повышении логического мышления учащихся проводили И.Н.Бабич, Г.С.Батршина, Л.Л.Босова, С.А.Зайцев; исследования по теории использования информационно-коммуникационных технологий в формировании компетенций учащихся, методике формирования информационных компетенций учащихся на основе мультимедийных технологий осуществляли О.В.Баранова, Т.Ж.Базаржапова, В.П.Короповская, Л.А.Леонтьева, Л.С.Лисицына Л.М.Репета, И.В.Ставцева, и М.В.Утенин.

За рубежом исследования по теории и практике формирования компетенций учащихся осуществляли S.A.Andrew, M. Alors, I.V.Stavtseva; исследования по методике и механизму внедрения информационно-коммуникационных технологий в школьную практику - L.F.Adriana, J.V.Campenhout, A.D.Wagner; исследования по формированию компетенций учащихся в области информационных технологий нашли свое отражение в работах таких ученых как S.Buse, A.Chen, L.Dong, A.Maritz, A.De Waal.

Вышеизложенные исследования представляет собой научно-исследовательскую работу, посвященную механизму внедрения образовательных технологий, направленных на формирование компетенций учащихся, теории и практике внедрения информационных технологий в преподавании предметов в общеобразовательных школах и методике развития компетенций учащихся по работе с информацией. Однако в них научно не исследован вопрос научно-теоретического обоснования методики формирования компетенций учащихся общеобразовательных школ по предмету "Информатика и информационные технологии" для 8 класса.

